

2-SHO'BA

HUDUDLARDA ISHSIZLIKNI KAMA'YTIRISH VA MIGRATSIYANI TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Усманов Анвар , и.ф.д., проф.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришининг илмий
асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот
маркази бош илмий ходими,
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги
филиали, кафедра профессори*

Мехнат ресурслари бандлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири меҳнат миграцияси ҳисобланиб, унинг асосини ишчи, хизматчи, турли соҳа мутахассислари, илмий-техник ходимлар, маданият ва санъат соҳасидаги кадрларнинг кўчиб юриши ташкил этади. Мехнат миграцияси кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида миграциянинг ўзига муносиб иш ва юқори даромад топиш мақсадида амалга оширилган алоҳида тури бўлиб, иқтисодиёти оғир аҳволда бўлган кам ривожланган мамлакатларда ишсизлик ва паст иш ҳақи каби муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаларидан бирига айланди.

Мехнат мигрантларини хорижга чиқариш орқали Ўзбекистон мамлакат ичида ишсизликнинг қисқаришидан ва мамлакатга пул ўтказмалари келиб тушиши туфайли тўлов балансларидаги танқислик камайишидан қайсидир маънода манфаатдор бўлаётган бўлса, иккинчи томондан соғлом оила муҳитини шаклланишига эса ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Давлат меҳнат миграцияси сиёсатини шакллантиришда, уни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишда мамлакат ичидаги ва жаҳон хўжалигидаги вазиятни, ушбу муҳим соҳада юз бераётган кескин ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда иш тутади.

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ташқи меҳнат миграцияси учун янги вазият юзага келишига асос яратиб берди. Айниқса, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини кескин ошириш, мамлакатда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар давлатнинг меҳнат миграцияси сиёсатида кескин ўзгартириш учун реал имконият ва зарурий эҳтиёж туғдирди. Буларнинг барчаси меҳнат миграциясига нисбатан давлат сиёсатини янги асосда такомиллаштириш, аниқроғи тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Бизнингча, давлатнинг ташқи меҳнат миграциясига нисбатан янги сиёсати ўзида учта муҳим нарсани акс эттирмоғи лозим. Бу:

биринчидан, амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатда юзага келган янги ижтимоий-иқтисодий вазият, янги имкониятлар;

иккинчидан, Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни тез суръатлар билан ривожлантириш бўйича белгиланган стратегик вазифалар;

учинчидан, ташқи меҳнат миграциясида глобал даражада жаҳон хўжалигида кечаётган мураккаб жараёнлар.

Ҳозирги кунда меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга давлатимиз, шахсан давлат раҳбари катта эътибор қаратмоқда. 2020-йилнинг сентябрь ойида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»²³ қарорнинг имзоланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Қарорда мамлакатда меҳнат миграциясида долзарб муаммони ҳал этишнинг аниқ механизмлари ўз ифодасини топган ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб берилган.

2020-йилнинг август ойида қабул қилинган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарорида²⁴ Ўзбекистонда меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларни самарали ечиш механизмларини яратиш ва жорий қилиш назарда тутилган. Бизнинг фикримизча, у Янги Ўзбекистонда мамлакат ижтимоий тараққиётини юксалтиришнинг ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг асосий бўғинларидан бирига айланмоғи лозим.

Бизнинг назаримизда, Янги Ўзбекистонда ҳозирги кунда юзага келган ижтимоий иқтисодий вазиятда ишчи кучи экспортини миллий иқтисодиёт равнақига тўсқинлик қилаётган, узоқ келажак нуқтаи назардан жамият манфаатларига батмом мос келмайдиган жараён сифатида қарашимиз керак. *Шу сабабли хорижда меҳнат сафаридан бўлган юртдошларимизни мамлакатга қайтариш, уларнинг сонини кескин қисқартириш ва келажакда ундан батамом воз кечиш йўллари топиш мақсадлироқ бўлар эди.*

Яқин келажакда Ўзбекистонни ишчи кучи экспортёридан унинг импортёрига айлантириш давлат ташқи меҳнат миграцияси сиёсатида марказий ўринни эгалламоғи, унга эришишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари яратилмоғи лозим. Бизнинг ушбу мулоҳазаларимиз негизида ишчи кучи экспортининг мамлакат хазинасига келтираётган пировард натижаларининг қай даражада манфаатли эканлиги ётибди.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4997972>

²⁴ Мирзиёев Ш.М. “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент Қарори. <https://www.google.com/>

Дарҳақиқат, ишчи кучи экспорти сиёсатига урғу бериш меҳнат миграциясини Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, меҳнат мигрантлари ишлаб топган даромад ҳисобидан миллий иқтисодийга қўшимча мадад беришни таъминлайди.

Барчамизга маълумки, ҳали дунё амалиётида четга ишчи кучи сотишдан бойиб кетган мамлакат бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Ишчи кучини четга сотиш экспортёр мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ташқи меҳнат миграциясида юрган ишчи хизматчилар меҳнати билан яратган (яратиши мумкин бўлган) қўшича қиймат миқдорида камайтиради. Ишчи кучи экспортини қисқартириш ва миграцияда бўлган юртдошларимиз меҳнатидан мамлакатимиз ЯИМ ҳажмини кўпайтириш мақсадларида фойдаланиш сиёсатини амалга оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар яратилиб, улар ҳаракатга келтирилса, яқин 5-6 йил ичида макродаражада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлайди.

Мамлакатда ишчи кучи экспортдан батамом воз кечиш ва аста-секин ички меҳнат миграциясини ривожлантириш сиёсати танланса, у муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, Янги Ўзбекистонга тўрт томонлама манфаат келтиради. Бу,

биринчидан, иқтисодий ўсиш суръатларини жадалаштириш ва миллий бойликни кўпайтиришга кўмак беради. Ушбу самара меҳнат мигрантларининг мулкдор фойдасига қўшимча иш вақтида яратган қўшимча қийматини бошқа давлатларнинг хазинасини тўлдиришга эмас, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга қўшган ҳиссаси орқали намоён бўлади.

иккинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга катта ижобий таъсир кўрсатади.

учинчидан, худудларда соғлом оила ривожланади. Болалар тарбиясидаги бутунлик сақланиб қолади. Таълим ва тарбияда маънавий самара беради.

тўртинчидан, бегона юртларда мусофирчиликда турли хил ноҳақликларга, камситишларга дучор бўлаётган юртдошларимиз ташқи меҳнат миграция азоб-уқубатларидан холос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарори.* <https://lex.uz/docs/4997972>

2. *Мирзиёев Ш.М. “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент Қарори.* <https://www.google.com/>

3. *БМТ Бош Ассамблеяси: Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Халқаро конвенция.* <https://www.ohchr.org/RU/ProfessionalInterest/Pages/CMW.aspx>